

ЭКОЛОГИК НОХУШ ТУМАНЛАРДАГИ БОЛАЛАРДА ТИШ ҚАТТИҚ ТЎҚИМАСИНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ходжаева Ш.Ш., Тайлакова Д.И.,

Бухоро давлат тиббиёт институти.

✓ Резюме

Болалар ва ўсмирлар саломатлиги муҳим тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, у популяциянинг ҳозирги кунини ва келажagini белгилаб беради. Саломатликни шакллантиришга кўп сонли омиллар, жумладан организмнинг индивидуал ўзига хосликлари ва иқлимий шароитлар таъсир кўрсатади.

Бир қатор тадқиқотларда аниқландики, ушбу омилларнинг қийсий нисбати ҳар бир мамлакат, минтақа, ҳатто микрорайоннинг аниқ шароитига боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Калит сўзлар: пестицидлар, болалар, тиш қаттиқ тўқимаси, экология, профилактика, даволаш.

PRINCIPLES OF TREATMENT AND PREVENTION OF DENTAL HARD TISSUE IN CHILDREN IN ENVIRONMENTALLY UNFAVORABLE AREAS

Xodjaeva Sh., Tailakova D.I.

Bukhara State Medical Institute.

✓ Resume

The health of children and adolescents is of great medical and social importance, which determines the present and future of the population. Numerous factors influence the formation of health, including the individual characteristics of the organism and climatic conditions.

A number of studies have found that the relative proportions of these factors vary depending on the specific conditions of each country, region, and even neighborhood.

Key words: pesticides, children, dental hard tissue, ecology, prevention, treatment.

ПРИНЦИПЫ ЛЕЧЕНИЯ И ПРОФИЛАКТИКИ ТВЁРДЫХ ТКАНЕЙ ЗУБОВ У ДЕТЕЙ В ЭКОЛОГИЧЕСКИ НЕБЛАГОПОЛУЧНЫХ РАЙОНАХ

Ходжаева Ш.Ш., Тайлакова Д.И.

Бухарский государственный медицинский институт.

✓ Резюме

Здоровье детей и подростков имеет большое медицинское и социальное значение, от которого зависит настоящее и будущее населения. На формирование здоровья влияют многочисленные факторы, в том числе индивидуальные особенности организма и климатические условия.

Ряд исследований показал, что относительные пропорции этих факторов варьируются в зависимости от конкретных условий каждой страны, региона и даже района.

Ключевые слова: пестициды, дети, твёрдые ткани зубов, экология, профилактика, лечение.

Долзарблиги

Болалар ва ўсмирлар саломатлиги муҳим тиббий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, у популяциянинг ҳозирги кунини ва келажagini белгилаб беради. Саломатликни шакллантиришга кўп сонли омиллар, жумладан

организмнинг индивидуал ўзига хосликлари ва иқлимий шароитлар таъсир кўрсатади [Хаитов Р.М. ва ҳаммуал., 2007; Онищенко Г.Г., 2013; Онищенко Г.Г. ва ҳаммуал., 2014].

Бир қатор тадқиқотларда аниқландики, ушбу омилларнинг қиёсий нисбати ҳар бир мамлакат, минтақа, ҳатто микрорайоннинг аниқ шароитига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Атроф-муҳит омилларини организмга таъсири остида одам организмида нафақат адаптив фаолиятлар шаклланади, балки саломатликда ҳам салбий ўзгаришлар: умумий ва нозологик касалланишини ўсиши, тизимли тавсифдаги бузилишларда намоён бўлувчи, номахсус жавоб реакцияларини чакирувчи барча орган ва тизимлар фаолиятига ўздан юклама олиб келувчи атроф-муҳит омилларининг таъсири юзага келади. Сўнгги ўн йилликда олиб борилган тадқиқот натижаларининг таҳлили кўрсатдики, кўплаб ишлардаги ижтимоий-экологик муаммоларни ўрганиш ҳажмидаги ишларда яшаш жойидаги иқлимий ўзига хосликлар билан боғлиқ бўлган саломатлик ҳолатидаги ўзгаришларни ўз таркибига олмаган. [Ушаков И.Б. ва ҳаммуал., 2001; Суханова И.В. ва ҳаммуал., 2013; Хантурина Г.Р. ва ҳаммуал., 2018].

Сўнгги маълумотлар ҳар қандай минтақа учун долзарб ва муҳим бўлиб ҳисобланади. Примор ўлкасида ушбу муаммонинг аҳамияти биринчи навбатда атроф-муҳитни ташкил этувчи зикр иқлимий омиллар, айнан ўлка ҳудудидаги шимол томондан Сихоти-Алиня тоғ минтақаси, Жануб ҳамда Шарқ томондан океандан иборат бўлган учта биоиклимий минтақалар, кун давомидаги ҳарорат тартибини кескин ўзгариши, юқори тезликдаги ҳаво массасини географик аралашуви билан боғлиқ бўлиши билан тушунтирилади [Деркачева Л.Н., 2000; Лепешкин И.В. ва ҳаммуал., 2008; Лучанинова В.Н. ва ҳаммуал., 2012; Семенов В.Ю., 2015; Рахманин Ю.А., 2016; Рахманин Ю.А. ва ҳаммуал., 2017; Тайлакова Д.И. 2020].

Атроф-муҳит омиллари таъсирини ўрганиш огоҳлантирувчи ва даволаш характеридаги чора-тадбирларни шакллантириш учун зарурдир. Шу билан бир вақтда ёшга боғлиқ ҳолдаги генетик ва биологик омилларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган ҳавфлар долзарбдир [Азизова Ф.Х. ва ҳаммуал., 2012; Баранов А.А. ва ҳаммуал., 2012; Аверьянова И.В. ва ҳаммуал., 2017; Веремчук Л.В. ва ҳаммуал., 2018; Тайлакова Д.И. 2019].

Ишлаб чиқариш муҳитидаги ноҳуш омилларнинг ишчилар оғиз бўшлиғи органларига кўрсатадиган таъсирига оид масалаларга қатор хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар бағишлангандир улар оғиз бўшлиғининг касбий шикастланишлари патогенезининг айрим қирраларни очиб бериш билан биргаликда мос бўлган даволаш-

профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқдилар [Деркачева Л.Н., 2000; Кузьмина Э.М., 2009; Кулакова Е.В. ва ҳаммуал., 2014; Гаврюшин М.Ю. ва ҳаммуал., 2016; Криволапчук И.А. ва ҳаммуал., 2017; Тайлакова Д.И. 2019].

Атроф-муҳит омилларининг экологик ноҳуш таъсири шароитидаги болаларнинг тиш-жағ тизим ҳолати ва ривожланиши тўғрисидаги аниқ адабиёт маълумотларига келсак, улар жуда озчиликни ташкил этади ва бир бирини рад этади.

Шу нарса аниқландики, атроф-муҳитдаги захарли кимёвий моддалар агар она ҳомиладорлик вақтида атроф-муҳит зарарли моддалар билан интенсив ифлосланган минтақада истиқомат қилса ёки бевосита шу моддалар билан мулоқатда бўлса ҳомила ривожланишининг антинатал босқичидаёқ, ҳомила организмга салбий таъсир кўрсатиши мумкин, постнатал босқичда эса-захарли моддалар билан ифлосланган она сути ва атроф-муҳит объектлари (атмосфера ҳавоси, ичимлик суви, ўсимликлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари) орқали таъсир кўрсатиши мумкин [Баранов А.А. ва ҳаммуал., 2012; Атаханова Д.О., 2015; Канатникова Н.В. ва ҳаммуал., 2015; Егорова Н.А. ва ҳаммуал., 2017; Гречина М.С. ва ҳаммуал., 2018].

Ҳозирги кунда болалар орасида стоматологик касалликлар энг долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди [Алимский А.В. ва ҳаммуал., 2000; Ашуев Ж.А., 2003; Бекжанова О.Е., 2003; Бекжанова О.Е. ва ҳаммуал., 2003; Курицына И.Ю., 2004; Азизходжаев А.А. ва ҳаммуал., 2004; Воложин А.И. ва ҳаммуал., 2005; Есаян З.В., 2005; Грудянов А.И. ва ҳаммуал., 2006; Лепнухова И.В. ва ҳаммуал., 2008; Веденова Е.Н. ва ҳаммуал., 2011; Вековшинина С.А. ва ҳаммуал., 2018; Develioglu H. et al., 2006; Kara S. et al., 2006; Lourenco S.V. et al., 2006; Тайлакова Д.И. 2020].

Барча маълумотларга таянган ҳолда, биз олдимизга қуйдаги **мақсадни** қўйдик- экологик ноҳуш туманлардаги болаларда тиш қаттиқ тўқимасини даволаш ва олдини олиш.

Материал ва тадқиқот усуллари

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида истиқомат қилувчи 7 ёшдан-15 ёшгача бўлган тиш қаттиқ тўқималари касалликлари билан азият чекувчи болалар ташкил этди. Сўнгги 9 йилда экологик кўринишнинг ёмонлашиши юзага келди. Бу ишлаб чиқариш марказларининг сонини ортиши билан боғлиқдир. Экологик вазиятнинг ёмонлашиши

шубҳасиз инсонлар саломатлигида намоён бўлади. 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларда тиш қаттиқ тўқимаси касаллигини учрашини турли сонда эканлиги билан боғлиқ ҳолда иккита гуруҳ шакллантирилди. Биринчи гуруҳга Ѓиждувон туманидаги 55 нафар болалардан 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган $n=48$, 48 ± 5 нафар болалар киритилди. Иккинчи гуруҳга доимий тишлар прикуси билан 13 ёшдан 15 ёшгача бўлган болалар олинди. Ѓиждувон туманидан 41 боладан касалланган $n=19$, $19,79\pm 4,07$ нафар болалар олинди. Маълумки, тиш қаттиқ тўқимаси касаллиги Ѓиждувон туманида 7-12 ёшли болаларда -32%, 13-15 ёшли болаларда 19,8% ни ташкил этиб, бу 1,5 марта кўп демакдир. 96 нафар бола текширишдан ўтказилган жами болалардан, 13-15 ёшли 41 нафар бола, 7-12 ёшли 55 нафар болани ташкил этди.

Ҳозирги вақтда бир қатор стоматологик касалликлар, жумладан тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари ривожланишида оғиз бўшлиғи қаттиқ тўқималарини турғунлигини қониқарсиз ҳолатини сезиларли аҳамияти исботланди. Шу билан боғлиқ ҳолда бизлар томонимиздан қишлоқ туманлари болаларининг оғиз бўшлиғи қаттиқ тўқимаси функционал ҳолати ҳамда оғиз бўшлиғининг гигиеник ҳолати ўрганилди (тиш эмалининг кислотага берилувчанлигини, пулпанинг электр ўтказувчанлигини ва оғиз бўшлиғи гигиеник индексини аниқлаш).

Ҳозирги вақтда республиканинг болалар аҳолиси ўртасидаги стоматологик касалликлар профилактикаси давлат, ижтимоий ва тиббий чора тадбирлар доирасида олиб борилмоқда. Олдинги бўлимда бизлар тиш эмали гипоплазиясининг тарқалишига оид материалларга етарли даражада тўлиқ жавоб бердик, шунингдек кўрсатилган тишлар шикастланишларини намоён бўлишининг ўзига хосликларини таҳлил қилдик. Мазкур барча маълумотларни ушбу касалликларни даволаш усулларини танлаб олишда ҳисобга олиш зарур.

Тиш қаттиқ тўқимаси касалликларини даволаш, сезиларли даражадаги қийинчиликларни туғдиради. Биринчидан дастлабки реминералловчи профилактик комплекс терапиясиз тишлар функцияси ва шакллари яхши тикланиши амалий жиҳатдан мумкин эмас. Айнан шунинг учун беморларнинг кўп марталик мурожаатлари ва клиник кузатувлар тиш пломбаларини кўп марта ва тез-тез тушиб кетишидан ҳамда косметик қопламаларни тишлар шикастланишини доғли шакллари таъсирида бузилишидан гувоҳлик беради. Яна бир марта таъкидлаш зарурки, минерал тузилма, оқ

доғлар ёки кўринадиган нуқсонлар зонасидагина эмас, балки тишларнинг барча қисмларида бузилган. Бизларнинг икки йил давомида олиб борган кузатувларимиз бир қанча фикрларни билдиришга ва болалардаги тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари асоратларини олдини олиш бўйича амалий тавсиялар беришга имкон беради.

Биринчи навбатда, тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари учрашини ташхисий баҳолашни ўрганиб чиқиш зарур. Бу айниқса тишларни ноинвазив даволашда ўта муҳим масаладир.

Даволаш-профилактик чора тадбирларни режалаштиришда Т.А.Рединова усули бўйича тиш эмалининг тузилмавий-функционал кислотага чидамлилигини зудлик билан баҳолаш зарурдир. Уни қўллаш, динамикада тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари доғли шакллари даволашда эмал турғунлигини баҳолашга ёрдам беради, шунингдек, деструктив шикастланишларни пломбалашда тикловчи ишлар ҳажмини белгилаб беради. Бунда оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳисобга олинади. Бунда минтакавий экотизимларнинг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда оғиз бўшлиғи шикастланишларини олдини олиш учун дифференциал ёндошувларга алоҳида эътибор қаратиш зарур, чунки уларнинг бузилиши, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, болалардаги тишларда турли патологик ўзгаришларнинг сабаби бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маълумки, ҳозирги кунда турли кимёвий моддалар ва пестицидлар билан организмнинг захарланишини олдини олиш ва даволаш учун қўлланиладиган кенг қўламдаги воситалар мавжуд.

Натижа ва муҳокамалар

Олиб борилган шахсий табиий ва тажриба тадқиқотлари маълумотларига таянган ҳолда, биз ва педиатрлар маслаҳатлари билан хлор ва фосфорорганик пестицидларнинг ҳамда олтингугурт икки оксиди ва азот билан захарланишда организмга таъсирида муҳим патогенетик таъсир кўрсатиш режаси бўйича, энг перспектив восита бўлибича умумий кальций глицерофосфатни, аскорбин кислота ва шунингдек, «Комплевит» витамини билан биргаликда қўллашни тавсия қилдик. Маҳаллий даволаш-профилактик чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди (глюконат кальцийнинг 10%ли эритмаси билан аппликация, Элюдрил оғиз бўшлиғини чайиш воситасидан, ҳамда “Элюдрил” тиш пастасидан фойдаланиш тавсия этилади).

Аскорбин кислота ва кальций глицерофосфатни қўллаш шу билан

боғланадики, улар организмдаги оксидланиш-кайтарилиш реакцияларини фаоллаштиради, модда алмашинув жараёнларига ва тўқималардаги морфофункционал кўрсаткичларга, углевод, оксил ва липид ва энг асосийси энергетик алмашинувга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади, шу сабабли улар организмдан зарарли кимёвий моддаларни чиқиб кетишини тезлашишига сабаб бўлади.

Статистик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда бизлар томонимиздан турли экологик муҳитга эга бўлган туманларда истиқомат қилувчи болаларда тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари асоратларини олдини олиш бўйича иккиламчи профилактика комплекс тизими икки йил давомида (2019-2021 йиллар) ишлаб чиқилди ва апробация қилинди. Даволашни касаллик шакли, клиник кўриниши ва беморнинг ёшига қараб олиб борилди. Доғли шаклларда тишларни пломба қилмасдан маҳаллий ва умумий даволаш ўтказилди.

Умумий реминералловчи профилактик терапияга келсак, бунда бизлар 7-12 ёшли болалар учун 0,5 г дан ичга кальций глицерофосфат кунига 1 марта ва бир ой давомида кунига икки марта аскорбин кислота буюрдик, 13-15 ёшли болалар учун-кальций глицерофосфат кунига 1,0 г дан 1 марта ва аскорбин кислотани бир ой давомида кунига уч марта буюриб, уч ойдан сўнг даволаш курсини такрорлашни тавсия этдик. Бундан ташқари, нонуштадан кейин зудлик билан тана оғирлигига боғлиқ ҳолда 1-2 таблеткадан ичга поливитаминлар «Комплевит» буюрилди. Оғиз бўшлиғи гигиенасини яхшилаш мақсадида тишларга маҳаллий аппликациялар ва оғиз бўшлиғини чайиш буюрилди.

Тишлар аппликацияси. Паста билан тиш ювилгандан сўнг, тишлар кальций глюконатнинг 10%ли эритмаси билан намланган тампонлар ёрдамида 10-12 дақиқага ёпилади, сўнгра 5-6 дақиқа давомида-Элюдрил эритмаси билан намланган валиклар ёрдамида беркитилади. Бир курс учун 3-6 муолажа бажарилди, бир кундан кейин 3-4 муолажа бажарилди, мазкур амалиёт бир йил давомида олиб борилди.

Оғиз бўшлиғинини чайиш. Элюдрил тиш пастаси билан тозалагандан кейин бир дақиқа давомида “Элюдрил” эритмаси билан оғиз бўшлиғини чайиш амалиёти ўтказилди. Бир курсда 8-10 муолажа амалга оширилди. Оғиз чайилгандан сўнг 2 соат давомида болаларга тишларни ювиш ва таом истеъмол қилиш тавсия этилмади. Бундай курслар йилига 3-5 марта такрорланди.

Оғиз бўшлиғини Элюдрил чайиш воситаларидан фойдаланишнинг клиник самарадорлиги милкларнинг шиллик қавати ва тишларда химоя қобиғининг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлади ва шу йўл билан оғиз бўшлиғига атроф муҳитдан тушувчи захарли препаратлар ва кислотали копламани зарарли таъсирлардан химоя қилади.

Қўлланилувчи “Элюдрил” тиш пасталарининг профилактик самарадорлиги қуйидаги усуллар ёрдамида баҳоланди: гигиеник индексни ўрганиш (тозалаш хусусиятини аниқлаш учун), тиш эмали кислотага берилувчанлиги. Бу тадқиқотлар тажриба бошлангунча бўлган даврда ва 6-9 ойлик профилактик курс якунлангандан сўнг ўтказилди.

“Элюдрил” тиш пасталарини болалар томонидан қўлланилганида пародонт ва оғиз бўшлиғи шиллик қаватига таъсирлантирувчи ва аллергия таъсирлар кузатилмади.

Шундай қилиб, олиб борилган клиник тажрибалар қуйидаги хулосаларни чиқаришга имкон беради:

“Элюдрил” тиш пасталари юқори тозаловчи, кариесни олдини олувчи, яллиғланишга қарши ва антибактериал таъсирга эга;

“Элюдрил” тиш пасталари пародонт ва тиш касалликларини олдини олиш учун болалар оғиз бўшлиғи парвариши бўйича янги гигиеник восита сифатида кенг қўлланишга тавсия этилиши мумкин.

Хулосалар

Бухоро вилоятининг Гиждувон туманида болалар аҳолисининг стоматологик статусига ноҳуш таъсир этувчи пестицидлар асосий ифлослантирувчи бўлиб ҳисобланади.

1. Доимий тишларнинг тиш қаттиқ тўқимаси касалликлари Гиждувон туманида 34,7%ни ташкил этди.

2. Тиш қаттиқ тўқимаси касаллигини доғли шакллари даволашда, кальций глицерофосфатни, микроэлементлар комплексини, витаминларни *per os* қабул қилиш ва тишларга реминералловчи профилактик чора-тадбирларни қўллаш, кальций глюконатнинг 10%ли эритмаси билан аппликациялар, “Элюдрил” тиш пасталаридан фойдаланиш, ҳамда “Элюдрил” эритмаси билан оғиз бўшлиғини чайиш усуллари самарадорлиги клиник жиҳатдан исботланди. 10-12 ой давомида олиб борилган кузатишлар давомида Гиждувон туманидаги 7-12 ёшли болаларда тиш доғ рангини қисман яхшиланиши 26,0%ни, жараённи тўхташи 55,5%ни ташкил этди. 13-15 ёшли болаларда тиш

доғ рангини қисман яхшиланиши 40,0 %ни, жараён тўхташи 73,3 % ни ташкил этди.

3. Болалардаги тиш қаттиқ тўқимаси касаллигини асоратларини келиб чиқишини олдини олиш ва даволашдаги энг устивор чора тадбирлардан бўлиб, “Элюдрил” тиш пасталарини қўллаш, оғиз бўшлиғини “Элюдрил” эритмалари билан чайиш ҳисобланади, бунда юқоридаги воситалар билан бир вақтда ичга кальций глицерофосфат, аскорбин кислота ва витамин Комплевит комплекси буюрилади, уларнинг биргаликдаги таъсирини тажриба-клиник апробацияси юқори самарали эканлигини кўрсатди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Taylakova D.I, Kamilov Kh.P, Kasymov M.M. The prevalence of systemic hypoplasia in children depending on the adverse environmental conditions and their prevention / INTERNATIONAL JOURNAL FOR SOCIAL STUDIES. – 2019. - Vol 5 (4) - P. 25-33.
2. Taylakova D.I, Kamilov Kh.P. The influence of some environmental pollutants on the histogenesis of teeth in experimental rats EUROPEAN JOURNAL OF PHARMACEUTICAL AND MEDICAL RESEARCH. – 2018. - Vol. 5 (11). - P. 255-258.
3. Taylakova D.I, Kamilov Kh.P. Hypoplasia In Children Of The Bukhara Region And Measures For Their Prevention / 4TH INTERNATIONAL EDUINDEX MULTIDISCIPLINARY CONFERENCE. – 2019. - P. 39-43.
4. Тайлакова Д.И. Эмбриональный гистогенез зубов в условиях загрязнения окружающей среды // Актуальные вопросы стоматологии: Сборник статей Международной научно-практической конференции. - Уфа, 2-3 июнь, 2017. – С. 205-211.
5. Тайлакова Д.И. «Скрининг –обследование полости рта детей с учётом характера региональных неблагоприятных факторов окружающей среды» // «Актуальные проблемы стоматологии». Материалы научно-практической конференции. Наманган. -2017, 11 март. -С.211-213.
6. Тайлакова Д.И, Камиллов Х.П. «Evaluation of the influence of harmful substances on the formation of the teeth of the fetus and newborn rats». // Science, research, development#17. Belgrade (Serbia). 30-31.05, -2019, -P.123-127.
7. Тайлакова Д.И. «Эмбриональный гистогенез зубов в условиях загрязнения окружающей среды» // Сборник статей Международной научно-практической конференции “Актуальные вопросы стоматологии”, г. Уфа 2-3 июнь -2017. - С.205-211.
8. Тайлакова Д.И, Арипова О.С, Жураев Б.Н. «Формирование и состояние зубов под влиянием загрязнений внешней среды»//Стоматологические и соматические заболевания у детей: этиопатогенетические аспекты их взаимосвязей, особенности профилактики, диагностики и лечения. Россия Тверь, - 2013. –С.185-188.
9. Тайлакова Д.И. Жуматов У.Ж. «Влияние пестицидов и промышленных выбросов на формирование зубов плода и новорождённых крысят» // «Актуальные вопросы стоматологии». -2013, 10-12 апрель.
10. Khabibova N.N. Characteristic features of free-radical processes and antioxidant protection in the oral cavity during chronic recurrent aphthous stomatitis// European Science Review. - 2018. - P. 191-193.
11. Khabibova N.N. Changes in biochemical and immunological indicators mixed saliva of patients with chronic recurrent aphthous stomatitis// European journal of pharmaceutical and medical research. –2018. – (5) 11. – P. 143-145.
12. Khabibova N.N., Khadjimetov A.A. Some occurrence aspects of chronic recurrent aphthous stomatitis of the oral cavity// Global Journal of Medical, Physical and Health Education. – 2019. - Vol. 7 (3). - P. 284-286.
13. Khabibova N.N. Characteristic features of the biochemical indicators of mixed saliva in patients with chronic recurrent aphthous stomatitis// Global Science Research Journals. - 2019. - Vol. 7 (8). – P. 521-526
14. Shirinova H.H., Khabibova N.N. Comparative analysis of the clinical efficacy of various methods of complex treatment of chronic generalized periodontitis in overweight patients. //Journal For Innovative Development in Pharmaceutical and Technical Science.- Volume:4, Issue:3, Mar:2021.- P. 43-46.
15. Shirinova H.H., Khabibova N.N., Rajabova D.B. Over body weight as a factor influencing the development of periodontal diseases// Materialien der xvii internationalen wissenschaftlichen und praktischen konferenz Spitzenforschung - 2020| Volume 13. P 56.

16. Taylakova D. I. secondary prevention of systemic hypoplasia of tooth enamel in children of the bukhara region// International scientific conference on challenging problems of children's dental. – May 2020. - P.1-3.
17. Taylakova D. I., Khabibova N.N. Determination Of The Immunological Status Of The Oral Cavity Of The Child Population With Congenital Lip And Palate In The Studied Areas//European Journal of Molecular & Clinical Medicine. - 2020, Volume 7, Issue 3. - Pages 3023-3026
18. Taylakova D.I., Kambarova, Sh.A.“Analysis of medical anamnesis data and secondary prevention of systemichypoplasia of dental hard tssues in children» // Central Asian Journal of Medicine Recommended Citation.-2020.-P.81-98.
19. Тайлакова Д.И., Копеский И.С. Secondary preventive main tenance system hypoplasia enamel sof teeth at children of Bukhara region//New Day in Medicine.- 2020.2(30/2).-P.135-138.
20. Sobirov Sh. S. The specifics of the course of lichen planus in the oral mucosa// Journal For Innovative Development in Pharmaceutical and Technical Science (JIDPTS). Volume:4, Issue:3, Mar:2021 - P. 22-27
21. Taylakova D.I., Vokhidov U.G. Prevalence and Prevention of Fluorosis in Children Living in the Districts of the Bukhara Region// Annals of the Romanian Society for Cell Biology.-2021. –P. 6982 – 6989

Келиб тушган вақти 09.04.2021